



ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА АСҚАР МАҲКАМ ИЖОДИ

Қудратова Муборак Шухратовна

Бухоро давлат университети Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. XX аср ўзбек шеърлятида ўз овозига эга Асқар Маҳкам лирикаси шубҳасиз адабиётимиз хазинасига қўшилган дурдона асарлардан саналади. Бу давр иждокорлари ўз шеърларида яхшилик, инсоф, диёнат, ростгўйлик каби ҳақиқий инсоний хислатлар тараннумини бадий тафаккурнинг турли поэтик унурлари воситасида мисраларга сингдирган. Асқар Маҳкам ижодидаги диний-маърифий ғоялар ўз-ўзидан дунёга келган эмас, аввало, иждокор фитратидеги исломий рух унинг хис-туйғусида, тафаккурида бўй кўрсатади. Ушбу мақоламизда XX аср ўзбек шеърлятида Асқар Маҳкам ўрни ва ўз овози хусусида тўхталамиз.

Калит сўзлар. Ислом дини, мустабид тузуми, тасаввуф, нафс, ижтимоий-ахлоқий муаммо, ҳаёт, илоҳиёт, ишқ, иймон, қўнгил.

XX аср ўзбек шеърлятида Асқар Маҳкам ўз ўрни ва ўз овозига эга санокли шоирлардан бири ва унинг ёзганлари, таржималари шубҳасиз адабиётимиз хазинасига қўшилган дурдона асарлардан саналади. Ифода ва тасвир усули бошқаларникига ўхшамайдиган шоирнинг олам ва одамга бўлган нуқтаи назари гарчи бошқа иждокорларнинг қарашлари билан яқин бўлса ҳам, унинг шеърларидаги поэтик фикрлар, образлар, шеър синтаксиси, иждок лексикаси тамомила фарқ қилади.

Таъкидлаш керааки, адабиётшунослигимизда Асқар Маҳкам иждоига оид тадқиқотлар мақоллар, китобларидаги сўзбошилар, тожик адабиётшунослари ва ҳаётда Асқар Маҳкамни яқиндан таниган адабиётчи дўстларининг яккам-дуккам мақолаларидан иборат бўлиб қолмоқда. Бу йўлдаги айрим изланишлар, жумладан, Юсуфали Шоназаровнинг “Асқар Маҳкам” номли китоби, “Сўйладик гоҳ урэн, гоҳи мунаққаш” туркум мақолалари, Абдулло Зухурнинг “Қаттиқ иймон шоири” мақоласи, албатта, қувонтиради. Шавкат Ҳасановнинг “Достон табиати ва таркиби” монографиясида шоирнинг “Ишқ” “Таважжуҳ”, “Тўрт дарвиш” достонлари мавзу доирасида тадқиқ этилган. Адабиётшунос Дилрабо Қувватованинг “Таважжуҳ поэмасида мактуб-монолог”, “Истиқлол даври ўзбек поэмаларининг поэтик синтаксисига хос баъзи жиҳатлар” каби мақолаларида шоирнинг достонларига илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилинган.

Неъматулло Иброҳим Асқар Маҳкамнинг “Ҳақ” китобига ёзган сўзбошисида шундай дейди: “Асқар Маҳкам ўз асарларида Инсонни бор мураккаблиги билан тасвирлайди. Юзаки тавсиф этиш унинг руҳиятига ётдир. Бошқача қилиб айтганда, у Инсонни нафрат билан севади, инкор билан эътироф этади, оғу билан даволашга, алам билан шодлантиришга интилади...” Шоир ва адабиётшунос Неъматулло Иброҳимнинг эътирофига кўра, ўзликни идрок этиш баробарида Ватан, Миллат ва Иймонни англаш – шоир шеърларининг етакчи ғоясига айланди. Иймон, Ватан ва Миллатни англаш қалбнинг буюк изтиробига айланди.



Date: 24 May 2026

Асқар Маҳкам ижоди замонавий шеърят контекстида тасвир, ифода жиҳатидан ажралиб туришидан ташқари, унда шижоаткор, ўқтам, қайсар бир руҳ мавжуд. Шоир ниҳоятда кескир сўзларни танлайди, унинг шеърларида зорланиш йўқ, мунг ва ҳасрат кучли бўлса-да, шиддат устувор. Дарддан эзилаётган эмас, ана шу дардни енгишга аҳд қилган инсоннинг умидбахш ўй-хаёллари, ҳаракатларидек туюлади бу шеърлар. Инсонга хос бўлган дард, азоб, қийноқ, алам, йўқотиш, алам, армон, мағлубият каби туйғулар бу шеърятда образ даражасига кўтарилган. Лирик қаҳрамон бундай шеърларда субъект билан бирлашиб кетган.

XX асрнинг охири – янги минг йилликнинг бошларида бадиий адабиёт, жумладан, унинг ҳозиржавоб йўналиши бўлган шеърят ҳам янгиланишни бошдан кечирди. Бир ижтимоий тузумдан бошқа бир тузумга ўтиш арафасида адабиёт ҳам мавзу, ғоя йўналишини ўзгартиради, тасвир ва ифодада ўзгаришлар бошланади. Профессор Қ. Йўлдошев миллий адабиётдаги ана шу ўзгаришлар жараёнини “бугунги ўзбек шеърятини ўз тарққиётининг муҳим ҳаётини ҳодисаларини тасвирлаш ва долзарб муаммоларни акс эттиришдан кўнгиш манзараларини чизиш ва руҳий ҳолатларни моддийлаштириш босқичига ўсиб ўтди”, деб баҳолайди. Бунга сабаб ҳаётнинг ўзи, давр руҳи ва одамларнинг адабиётга, шеърятга муносабати бўлиб, жамият, мафкура билан бирга кишилар дунёқарашидagi кескин ўзгаришлар шеърятни ҳам янги ўзанга буриб юборди. Адабиёт тарихда ҳеч қачон диндан тўла узилиб кетмаган, ҳатто даҳрийлик даври бўлган шўро замонида ҳам исломий ақидалар у ёки бу шаклда матн остида мавжуд эди.

Адабиётшунос олим Ш.Ҳасанов А.Маҳкамнинг «Таважжух», «Фотиҳа», «Ишқ» дostonлари марказида муаллиф “мен”ини туришини тўғри қайд этади. Унинг фикрича, Асқар Маҳкамнинг лирик қаҳрамонни қиёфасида аниқ бир давр кишисини эмас, барча законлар учун ҳам характерли бўлган ҳолат-кайфиятни кўриш мукин. Нафс ва унга бўйсуннишни истамаган руҳ, ўлим ва уни тан олмайдиган Ишқ, сурат ва унга бўйсунмайдиган сийратнинг тўқнашуви ва мазкур қарама-қарши тушунчаларнинг фалсафий талқинларида шоир “мен”и, адабий-эстетик қарашлари, фалсафий-диний нуқтаи назари намоён бўлади.

Асқар Маҳкам давр муаммоларини ўз муаммоси сифатида қабул қилди, ўзининг эмас, халқнинг саодатли бўлиши учун қайғурди. Шеърятга фидойилик билан хизмат қилган бундай сўзга садоқатли шоирлар ҳар доим санокли бўлган ва шундай бўлиб қолаверади. Кенг фалсафий миқёсда фикрлай оладиган шоирнинг ҳар бир сатрида олам ва одам муаммоси инъикоси кўриниб туради.

Деди гадо – ишқ келтирдим қўлларимда

Қўлларимда мана софол кафтларимда

Кўзларимда мана булоқ кўзларимда

Оёғимда ориқ ёриқ оёғимда

Ўнгларида

Сўлларимда

Тушларимда, ишқ келтирдим – деди гадо



Date: 24 May 2026

Гадо бизнинг тасаввуримизда ночор, муҳтож, ҳеч нарсаси бўлмаган бечора, лекин у ҳеч кимдан ҳеч нарса тиланмаяпти. Аксинча, унинг бутун борлиғи, қўллари, кафтлари, кўзлари, оёқлари, ўнгу сўли ва ҳатто тушлари ҳам ишққа тўла. Кафтлари софол, кўзлари булоқ, оёқлари ориқ Гадо образида ўзини англаган, бандалик мақомининг шартларини бекаму кўст бажариб, юксакликка кўтарилган инсонни кўраимиз. Бу гадо – дунёнинг ёлғонлигини тушуниб етган, заминий нарсаларнинг барчаси бевафо ва бебақолигига ишонган, одам ўзини ўзгалардан, жамиятдан, оддий бойликлардан эмас, ўзидан ахтариши кераклигини тушунган маърифатли шахс. Хўш, унда нега лирик қаҳрамон Гадо? Чунки у излаётган нарса камёб, осонликча топилмайди. У тортиқ қилинган тақдирда ҳам, кўпчилик унинг қадрига етмайди, авайлаб-асрамайди, у нарсанинг номи Ишқдир. Ота-онага, дўст-ёрга, инсониятга, табиатга, жонли ва жонсиз яратилганга бўлган ишқ, ҳайрат охири Ҳаққа етказди. Уйғоқликда, уйқуда, тўрт томонида, борликда ишқ мавжудлигини сезган ва яратилганларни севиш орқали Яратганга юз бурган одам ҳеч қачон ёмонликка, разолатга қўл урмайди. Асқар Маҳкам шу бадий ифодани юқоридаги кўрганимиз шаклга солиб ўқувчига тақдим этади.

Қайд қилиш керакки, санъатда, ижодда натижани бадий воқеликлар кечадиган макон-замон ёки воқеалар миқёси эмас, балки ижодкорнинг бадий тафаккури, истеъдод даражаси ҳал қилади. Асқар Маҳкам борлиқ олами икки қисмдан – фано ва бақодан иборат деб билади.

Деди Гадо Ишқ бу фано мақомидур

Зоҳир олам боғларида гуллар ичра

фано бўлмоқ...

Зоҳир олам арконида айшдан кечиб

фано бўлмоқ..

Ёки

Эй Сафиюллоҳ

ҳаёга ҳам жой бор

ҳаёсизга ҳам

ва бу аросатда

фано сари йўл бор

бақо томон ҳам...

демакки, қайси йўлни танлаш инсоннинг ўз ихтиёрида ва у ўз танловига яраша ажр-мукофот олади.

Асқар Маҳкам ҳам олам ва одами донишмандона идрок этган ва ёрқин бадий тимсолларда кўрсатиб бера олган ижодкор. Унинг асарларида ҳис-туйғу ва фикр, кўнгил ва ақл энг буюк санъаткорларга хос бўлган даражада уйғун. Санъаткор ва мутафаккир сифатида шоир нигоҳи ҳамда қалами борлиқ ва инсонни яхлит ҳолда қамраб ола билган.





Фойдаланилган адабиётлар

1. Nabijon Boqiy “Asqar Mahkam Kofarnihonga qaytdi.”, “Bolalikdan bolalikka qaytgan shoir” www. Literatura.uz.
2. Alisher Narzullo “Har lahzada tazarru” www.ziyo.uz.
3. I. Otamurod. “Men endi ketarman pinhon va yolg`iz www.literatura.uz
4. Д.Кувватова.«Таважжух» поэмасида мактуб-монолог. Филологиямасалалар 7 . Тошкент: "Фан" нашриёти, 2013.
5. Саййид Неъматуллоҳ Иброҳим. Рухнинг сангин садолари // Асқар Маҳкам. Ҳақ. – Душанбе, «Адиб», 1998. – 4-б.
6. Йўлдош Қ. Ёниқ сўз. Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. 315-б.
7. Ҳасанов Ш.Достон таркиби ва табиати.Самарқанд: СамДУ нашриёти,2011. 67-б
8. Асқар Маҳкам. Ҳақ. – Душанбе, «Адиб», 1998. – 8-9-б

